

Инвестициялар

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/activities/investment>

Компания инвестиция сиёсати икки йўналиш бўйича амалга оширилади:

- хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг сармояларни жалб этиш йўли билан замонавий кимё ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва мавжуд қувватларни қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш;
- Ўзбекистон кимё корхоналарини хусусийлаштириш ва давлат мулкидан чиқариш жараёнларига хорижий инвесторларни жалб этиш.

Компаниянинг инвестицион фаолиятининг ушбу йўналишлари Ўзбекистон кимё саноати ривожланишининг муҳим омиллари сифатида хизмат қилади, унинг ишлаб чиқариш қудратини оширади ва бозор иқтисодиёти механизмлар ишини таъминлайди.

Хусусийлаштирилган объектлар ва инвестиция киритиш шартлари тўғрисида янада батафсилроқ маълумотни Компаниянинг Иқтисодий таҳлил, башорат ва хусусийлаштириш бошқармасида ва [Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасидан](#), шунингдек, инвестицион лойиҳалар ва уларни молиялаштириш босқичлари тўғрисидаги маълумотларни Инвестиция бошқармасидан олишингиз мумкин.